

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АСТАНАКУЛОВ ОЛИМ ТАШТЕМИРОВИЧ

КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Астанакулов Олим Таштемирович

Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини
такомиллаштириш..... 3

Астанакулов Олим Таштемирович

Совершенствование методологии анализа инвестиционной деятельности
предприятий 37

Astanakulov Olim Tashtemirovich

Improving the methodology of analysis of investment activity of enterprises 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 77

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АСТАНАКУЛОВ ОЛИМ ТАШТЕМИРОВИЧ

КОРХОНАЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Iqt188 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Исроилов Боҳодир Ибрагимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____куни тарқатилди.
(2020 йил “__” _____даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича молиявий ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш мезонлари халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида давлат миллий компанияларининг бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ҳозирги глобал пандемия шароити дунё мамлакатлари иқтисодиётининг инқирозга юз тутиш эҳтимолини кескин оширмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи иқтисодчи олимлари ва экспертлари, “иқтисодий инқирознинг “Талафот даври”да ҳамда иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиши юз берганда, иқтисодий фаолиятни тиклашга энг катта ҳисса қўшувчи омил, бу - инвестициялар эканлигини таъкидламоқдалар”¹. БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва Ривожланиш конференцияси (UNCTAD) тадқиқотлари ва прогнозларига кўра, “пандемия инқироzi 2020 - 2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин камайишига олиб келади ва унинг оқимлари 2019 йилда 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги тахмин қилинган”². Бундай шароитда корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилин амалга ошириш асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари каби халқаро ташкилотлар томонидан компанияларда самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолияти таҳлили усулларини такомиллаштириш имконини берган. Лекин корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий асослари, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиёти, корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган манбалар ва усуллар, корхоналарда инвестиция фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилин такомиллаштириш йўллари билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган миллий ҳамда хорижий корхоналарнинг инвестиция фаолияти натижалари акс этган ҳисоботлари халқаро стандартлар даражасида, ҳаққоний ва шаффофлиги таъминланган ҳолда шакллантирилмоқда. Бу мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини яхшилаш билан бирга, тадбиркорлар манфаатини ҳам оширмоқда. Хусусан,

¹ Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. *Econ Model.* 2020. doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004.

² World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Рақобатбардош саноат унумдорлиги” индексининг 2020 йилги ҳисоботида мамлакатимиз илк бор акс эттирилиб, “0,017 балл билан 152 та мамлакат орасида 92-ўринни, МДХ мамлакатлари орасида 5-ўринни, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллагани қайд этилди”³. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида “мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш”⁴, “инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда худудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш”⁵ вазифалари қўйилди. Булар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестиция фаолиятини самарали юритиш бўйича стратегик режалаштириш ва таҳлилини юритиш вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар корхоналар инвестиция фаолияти натижадорлигини ошириш, ушбу фаолиятнинг таҳлил механизмларини такомиллаштириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини кучайтириш ҳамда инвестиция фаолияти таҳлилининг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда

³ <https://stat.unido.org/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁶. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг илғор илмий-тадқиқот марказлари, университет ва институтларида, жумладан, Манчестер университети ҳузуридаги Инвестиция рискларини таҳлил қилиш илмий маркази (The Centre for the Analysis of Investment Risk (CAIR)) (Буюк Британия), Колумбия Бизнес мактаби ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби ва хавфсизликни таҳлил қилиш бўйича малака ошириш маркази (Center for Excellence in Accounting and Security Analysis (CEASA)) (АҚШ), University of Notre Dame, University of Texas at Austin (АҚШ), Краков иқтисодиёт университети (Польша), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳузуридаги илмий-тадқиқот институт, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Н.И.Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети, Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия Федерацияси), Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Корхоналар инвестиция фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги қатор илмий натижалар олинган, жумладан: фойда-харажат таҳлили асосида инвестиция фаолияти самардорлигини баҳолаш методологияси тавсия этилган (The Centre for the Analysis of Investment Risk – CAIR); инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган (Center for Excellence in Accounting and Security Analysis – CEASA); инвестицияларнинг қопланиш муддатини баҳолаш ва таҳлил қилиш методологияси ишлаб чиқилган (University of Texas at Austin – АҚШ); инвестиция фаолияти таҳлили кўрсаткичлар тизими оптималлаштирилган (Краков иқтисодиёт университети – Польша); инвестиция фаолияти таҳлили халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган (Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети – Россия Федерацияси); инвестиция фаолиятини таҳлил қилишда самардорликни баҳолаш кўрсаткичлари тизими шакллантирилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети).

⁶ <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>; <https://home.kpmg/xx>; <https://www.nitrkl.ac.in>; <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>; <https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; www.unn.ru; <https://www.fa.ru>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

Дунё микёсида ҳозирги кунга келиб, инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: корхоналарни бошқаришда самарали қарорлар қабул қилиш мақсадида инвестиция фаолияти таҳлилининг халқаро стандартларга мувофиқлаштириш; инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш; халқаро рейтинг ва индекслар талаблари асосида корхоналарнинг инвестиция фаолияти ва жозибadorлиги таҳлили методологиясини такомиллаштириш; инвестиция лойиҳаларининг қоплаш муддатларини риск унсурларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш; корхоналарда инвестиция фаолияти шаффофлигини таъминлашга эришиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласига, И.А.Бланк, М.И.Баканов, М.В.Мельник, А.Д.Шеремет, У.Ф.Шарп, Э.Хелферт, Н.В.Парушина, Г.Д.Александр, Д.В.Бэйли, И.Т.Абдукаримов, В.В.Смагина, Frank J.Fabozzi, Harry M.Markowitz, А.Е.Абрамов ва Н.В.Тен кабиларни киритиш мумкин⁷. Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан корхоналарда инвестиция жараёнларини бошқаришнинг замонавий тамойиллари, ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, унинг методологик асослари бўйича таҳлилий хулосалари етарлича тадқиқ қилинмаган.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ё.Абдуллаев, А.Т.Иброҳимов, М.Ю.Раҳимов, А.В.Ваҳабов, Ш.Х.Ҳожибакиев, Н.Г.Муминов, А.А.Каримов, Д.Ғ.Ғозибеков, Б.Б.Самарходжаев, Н.Ғ.Каримов, Э.А.Ақромов, М.Қ.Пардаев, А.Н.Холикулов, Г.Ж.Жумаева, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов, Б.Т.Байхонов, И.С.Хотамов, А.Ишназаров, М.А.Бекмирзаев, Р.Д.Дусмуратов, Т.Ш.Шагиясов, З.А.Сагдиллаева, И.Ф.Урманбекова, Б.А.Хасанов, Ф.Абдурахманова, О.А.Норбоев, З.Н.Кадилова, А.К.Ибрагимов, Н.Қ.Ризаевларнинг асарларида⁸

⁷ Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – 2-е изд., перераб. и доп. – к.: Эльга, Ника-Центр, 2006. – 552 с.; Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. под ред. М.И. Баканова. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2005, – 536 с: ил.; Хелферт Э. Техника финансового анализа. – 10-е изд. – СПб.: Питер. 2003. – 640 с.; Парушина Н.В. Экономический анализ. под. ред. проф. Н.В. Парушиной. – М.: КНОРУС, 2017. – 300 с.; Шарп У.Ф., Александр Г.Д., Бэйли Д.В. Инвестиции: учебник: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2019. – XII, 1028 с.; Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. – Тамбов: изд-во ТГУ, 2005. – 600 с.; Абдукаримов И.Т., Тен Н.В. Комплексная оценка инвестиционных проектов. Международный журнал “Социально-экономические явления и процессы” № 3-4. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2006. – с. 10-15.; Frank J. Fabozzi, Harry M. Markowitz The Theory and Practice of Investment Management: Asset Allocation, Valuation, Portfolio Construction, and Strategies. – Published by John Wiley & Sons, Inc., 2011. – 704 p.; Абрамов А.Е. Основы анализа финансовой, хозяйственной и инвестиционной деятельности предприятия. - М.: АКДИ «Экономика и жизнь», 2008. – 79 с.

⁸ Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил 100 савол ва жавоб. –Т.: Мехнат, 2001. – 117 б.; Ваҳабов А., Ҳожибакиев Ш., Муминов Н. Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В.Ваҳабовнинг умумий таҳрири остида. –Т.:Молия, 2010. – 328 б.; Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.:Шарқ. 2004.; Ғозибек Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.; Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно-частно правовой аспект). – Т.:Академия, 2003. – 240 с.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б., Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. – 224 б.; Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Жумаева Г.Ж. Инвестицион лойиҳалар

корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий жиҳатларини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодчи олимларимиздан Д.Ғозибеконинг “Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари” номли илмий асарида инвестицияларнинг макродаражадаги мазмуни, ишлаб чиқариш тизимидаги, молия назарияси ва иқтисодиётдаги ўрни тадқиқ этилган⁹. Шунингдек, А.Х.Худайбердиев, Ж.И.Исроилов, М.Қ.Пардаев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Ф.Додиев, Д.М.Расулев, Ш.А.Маджидов, Д.А.Исмаилов, Б.Т.Байхоновлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда¹⁰ эса, инвестиция фаолияти таҳлили объект сифатида тадқиқ қилинмаган бўлса-да, қисман, инвестиция таҳлилининг илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилган. Шунингдек, “Коронавирус инкирози” даврида иқтисодий фаолликнинг пасайиши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар амалга оширилиши лозимлигини талаб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №М-ФЗ-201908169 “Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб

таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи” ДУК, 2020. - 260 б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Iqtisod-moliya, 2017. - 534 б., Байхонов Б.Т., Хотамов И.С., Ишназаров А., Бекмирзаев М.А. Инвестиция фаолиятини баҳолаш. –Т.: Фан ва технология, 2015. – 260 б., Дусмуратов Р.Д. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш бўйича тавсиянома. –Т.: ТошДАУ, 2019. –26 б.; Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ: учебник. – Т.: Иқтисод-Молия, 2017. – 432с.; Хасанов Б.А., Абдурахманова Ф., Кадирова З.Н., Норбоев О.А. Анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. –Т.:Сано-стандарт, 2017. – 284 б.; Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Ризаев Н.Қ. Амалий бошқарув ҳисоби / Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. – Т.: Moliya, 2014. – 404 б.

⁹ Ғозибекон Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: 2002. и.ф.д. дисс. автореф. 11-14 б.

¹⁰ Худайбердиев А.Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилининг такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент. 2005.; Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд. 2004., - 22 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд. 2001. - 22 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2003. - 29 б.; Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 1998. -22 б.; Расулев Д.М. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инвестицияларни молиялаштиришни эконометрик моделлаштириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2003.-22 б.; Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2010. – 22 б.; Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент. 2018. -73 б.; Исмаилов Д.А. Инвестиция фаолиятини молиявий бошқариш усулларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент. 2018.-22 б.

чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий инновацион ривожлантириш ва рақамлаштириш шароитида корхоналар инвестиция фаолияти мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва назарий қарашлари эволюциясини тадқиқ этиш;

инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишда корхоналар инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олишни ўрганиш;

корхоналар инвестиция фаолиятини баҳолаш ва таҳлилининг асосий йўналишлари юзасидан илмий асосланган хулосаларни шакллантириш;

корхоналарда инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий мониторингини амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

корхоналарда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш юзасидан хорижий тажрибаларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш амалиётини шакллантириш;

корхоналар инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқиш;

пул оқими бўйича инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўналишларини тизимли ўрганиш;

металлургия саноати корхоналарида инвестиция фаолияти таҳлилининг услубий концепциясини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналарда инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатини баҳолаш ва таҳлилини такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ қилиш;

корхоналар инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини прогнозлаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси металлургия тармоғига кирувчи корхоналар ва “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг инвестиция фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий, амалий ҳамда услубий асосларини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-манتيкий фикрлаш, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил, ноаниқ тўплам назарияси ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг анъанавий кўрсаткичлар тизимини экологик ва ижтимоий таҳлил кўрсаткичлари орқали баҳолаш имкониятини берадиган самарадорлик кўрсаткичлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳалари

таҳлили ва мониторингини ўтказиш ташқи ва ички муҳит ҳамда лойиҳа босқичлари асосида такомиллаштирилган;

корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига мультипликатив моделдан фойдаланган ҳолда таъсир этувчи омиллар таснифи ҳамда унинг таъсирини ҳисоблаш методикаси таклиф этилган;

инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатларини ноаниқ тўпламлар назарияси асосида ташкилий-услубий мезонларини яхши, ўрта ва ёмон даража билан баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш методикаси таклиф этилган;

корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган учта сценарий бўйича соф фойданинг йиллар бўйича ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корхона фаолиятини рақамлаштириш ва инвестиция фаолияти таҳлилинини амалга ошириш орқали корхоналарнинг келгуси истиқболли даврга мўлжалланган қарорлар қабул қилишига доир тадбирлар ишлаб чиқилган;

корхоналарда инвестиция лойиҳаси самарасини тавсифловчи комплекс баҳолаш ва тизимли таҳлил қилиш имкониятини берувчи янги кўрсаткичлар тизими таклиф этилиб, улар ёрдамида лойиҳаларнинг самарали ёки самарасиз эканлигини аниқлаш имконияти яратилган;

корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш механизми ишлаб чиқилиб, назорат амалиёти такомиллаштирилган;

замонавий ёндашувлар асосида ички захиралар, молиявий барқарорлик ҳолати, бухгалтерия ҳисоботларида инвестиция кўламини белгилаш каби самарали таҳлил қилиш услубиёти такомиллаштирилган;

инвестиция фаоллигига таъсир кўрсатувчи инвестиция ҳажми, инвестиция самарадорлиги, инвестициядан кутиладиган натижа, корхона ички ресурсларининг инвестицияга муҳтожлик даражаси каби кўрсаткичларнинг омилли таҳлилининг замонавий усуллари орқали самарали инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва жалб қилиш методологияси яратилган;

пандемия инқирози шароитида мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлиги таҳлилинини амалга оширишнинг амалдаги тартиби оптималлаштирилган;

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг инвестиция фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилиб, инвестиция самарадорлигини ошириш имкониятининг 2025 йилгача бўлган уч хил сценарийдаги прогноз кўрсаткичларининг истиқболли йўналишлари белгиланган ҳамда корхона учун инвестиция самарадорлигини белгилаш имкониятини берувчи омилли кўрсаткичлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган услубий ёндашув ва усулларнинг умум тан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва

тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда корхоналар томонидан инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштиришда фойдаланишга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили ва мазкур йўналишдаги фаолиятни баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва бошқарув қарорларининг асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилнинг анъанавий кўрсаткичлар тизимини экологик ва ижтимоий таҳлил кўрсаткичлари орқали баҳолаш имкониятини берадиган самарадорлик кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланиш бўйича таклиф 5А230901-“Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги талабалари учун тавсия этилган “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили” фани бўйича дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-265 рақамли гувоҳномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш натижасида таҳлил методологияси, шунингдек самарадорликни белгиловчи кўрсаткичлар тизими корхоналарда инвестиция фаолияти таҳлилинини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳалари таҳлили ва мониторингини ўтказиш ташқи ва ички муҳит ҳамда лойиҳа босқичлари асосида такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5717-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/04-01-32/3488-сон маълумот-номаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш корхоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиш муддатларини мунтазам мониторингини амалга ошириш асосида самарали ва операцион бошқарув қарорларини қабул қилинишига хизмат қилган;

корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига мультипликатив моделдан фойдаланган ҳолда таъсир этувчи омиллар таснифи ҳамда унинг таъсирини ҳисоблаш бўйича таклиф 5А230901-“Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги талабалари учун тавсия этилган “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили” фани бўйича дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи билан тасдиқланган 359-265-сон гувоҳнома) ҳамда “Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖ томонидан инвестиция фаолиятини таҳлил қилишда фойдаланилган (“Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖнинг 2020 йил 1 июндаги 01/05-01/02-217-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф мультимпликатив модел асосида инвестиция фаолияти таҳлили методикасини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга, шунингдек, корхоналар инвестиция фаолиятдан олинган самарадорликка таъсир этувчи омиллар таснифи ҳамда уларнинг таъсирини ҳисоблаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган;

инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатларини ноаниқ тўпламлар назарияси асосида ташкилий-услубий мезонларини яхши, ўрта ва ёмон даража билан баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш бўйича таклиф “Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖ томонидан 02-198-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖнинг 2020 йил 1 июндаги 01/05-01/02-217-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш корхоналарда инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини аниқ мезонлар асосида амалга оширишга хизмат қилади;

корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган учта сценарий бўйича соф фойданинг йиллар бўйича ўзгариши прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича таклиф “Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖ томонидан пандемия шароитида 02-198-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Ўзбекистон Metallургия комбинати” АЖнинг 2020 йил 1 июндаги 01/05-01/02-217-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш мезонларга асосланган прогноз кўрсаткичлари асосида, инқироз шароитида мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишда корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан 1 та дарслик, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 225 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида инвестиция фаолиятининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва унга бўлган назарий қарашлар эволюцияси, инвестиция сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишлари, таҳлил қилишнинг назарий масалалари, инвестиция фаолияти иқтисодий таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра: “Инвестициялар бу – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”¹¹ ҳисобланади. Шу кунга қадар корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили бўйича амалга оширилган маҳаллий олимларимизнинг¹² илмий тадқиқотлари юзасидан монографик изланишларда айнан мазкур тадқиқотда илгари сурилган инвестиция фаолияти таҳлили масаласи етарли даражада тадқиқ этилмаган. Иқтисодчи олим Ш.А.Маджидов ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мавзусида олиб борган тадқиқотида ҳам инвестиция фаолияти таҳлили, унинг услуги ва бошқа замонавий таҳлил методикалари ўрганилмаган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш билангина чекланган¹³. Худди шу зайддаги иқтисодий фикрларнинг бошқа ўхшаш хусусиятларини хорижлик иқтисодчи олимларда ҳам кузатиш мумкин¹⁴.

Қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда инвестиция

¹¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон.

¹² Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Молия, 1993. – 46-бет.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2003.-29 б.; Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (дарслик). – Т.: Фан, 2005. 241 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 232 б.

¹³ Маджидов Ш.А. Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент. 2010. – 22 б.

¹⁴ Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж.Александр, Джеффри В.Бэйли. Инвестиции: перевод с английского. – М.: Инфра-М, 2018. – 1040 с.

категорияси ва инвестициялар иқтисодий мазмунини аниқлаш бўйича яқдил илмий ёндашувга келинмагани аниқланди. Ўз навбатида, бу ҳолат инвестиция фаолияти таҳлилини амалга ошириш жараёнида инвестициялар мазмунини аниқлаш имкониятини чеклайди. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Лоренс Ж.Гитман ва Майкл Д.Жонк: “Инвестициялар бу даромаднинг самарадорлиги ва капитал қиймати сақланишини таъминлайдиган ёки унинг қийматини оширишга қаратилган капитални жойлаштириш усулидир”¹⁵, деб таъкидлашган. Инвестицияларнинг бундай талқин қилиниши, уларнинг иқтисодий мазмунини чуқур очиб бера олмайди ва чекланган характерга эга. Мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, инвестиция муҳитини ривожлантириш, реал амалиётда юзага келаётган муаммоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш мумкин бўлган иқтисодий платформани яратишга эришиш ислохотларнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Қуйидаги 1-расмда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда саноатнинг ва саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида металлургия маҳсулотларининг улушини кўриш мумкин.




1-расм. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида металлургия маҳсулотлари улуши¹⁶

Корхонада инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар билан изоҳланади: корxonанинг бозор қийматини ва даромад манбаини ошириш; узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни оширишга эришиш; жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш; корxonанинг ликвидлиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашни назорат қилиш; инвестицияларни молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш; инвестиция рискларини бошқариш ва унинг хавфини камайтириш. Тадқиқотимиз натижасида, корxonаларда инвестиция фаолияти таҳлилининг ташкилий, услубий ҳамда техник жиҳатларини ўзаро боғлиқликда амалга ошириш босқичларининг

¹⁵ Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования. - М.:Дело, 1999. - 1008 с.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

методологик схемаси таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишнинг методологик схемаси¹⁷

Жаҳон иқтисодиётида сўнгги пайтларда инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда ижтимоий-экологик таҳлил муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида мазкур таҳлил амалларининг нақадар долзарб эканлиги яна бир бор исботланди. Ҳозирги кунга келиб, ижтимоий ва экологик хатарлар ҳамда лойиҳани амалга ошириш оқибатларини ҳисобга олиш амалга ошириладиган инвестициявий лойиҳанинг ижтимоий самарадорлиги, молиялаштириш нормалари ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланмоқда. Қуйидаги 3-расмда ижтимоий ҳамда экологик таҳлил мезонлари ва самарадорлик кўрсаткичлари акс этган.

Инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий ва экологик таҳлили	
Ижтимоий таҳлил	Экологик таҳлил
<p style="text-align: center;">Мезонлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишнинг мазмуни, шартлари ва ташкил этилиши; - ижтимоий тузилиш; - ходимларнинг маданий ва техник даражаси; - ишламайдиган ёки бўш вақти ва ундан фойдаланиш; - ижтимоий-психологик иқлим; - ходимларнинг ижтимоий фаолияти. 	<p style="text-align: center;">Мезонлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - атроф муҳитга лойиҳа натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарни аниқлаш; - лойиҳанинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тизимини белгилаш; - атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни ҳисоблаш.
<p style="text-align: center;">Самарадорлик кўрсаткичлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - янги иш ўринлари, хусусан, янада самарали иш ўринларини яратиш; - аҳоли фаровонлигининг ўсиши; - лойиҳани амалга ошираётган компания ходимлари учун меҳнат шароитларини яхшилаш; - ходимларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш; - ишлаб чиқариш кадрлари таркибининг ўзгариши; - аҳоли саломатлик даражасининг ўзгариши; - аҳоли бўш вақтининг кўпайиши. 	<p style="text-align: center;">Самарадорлик кўрсаткичлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳа натижасида атроф муҳит ифлосланиши ва шовқиннинг камайиши; - атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиши учун тўловларни камайтириш; - лойиҳа давомида бахтсиз ҳодисалар сонининг камайиши; - атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан талаблар ва жарималар сони ҳамда миқдорини камайтириш.


3-расм. Ижтимоий ва экологик таҳлил мезонлари ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари таснифи¹⁸

Инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишда корхоналар инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш муҳим. Корхоналарда инвестиция лойиҳаларининг амалга

¹⁷ Тадқиқотлар натижаси асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹⁸ Тадқиқотчининг илмий изланишлари натижасида таклиф этилган.

оширилишини қисқа муддатда аниқ мониторинг ва назорат қилишни таҳлил қилиш орқали тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми таклиф этилди ҳамда амалиётга жорий қилинди¹⁹(4-расм).



4-расм. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг концептуал схемаси²⁰

Корхона истиқболини белгилашда ва муҳим инвестиция қарорларини қабул қилишда стратегик режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лойиҳа портфелининг ҳақиқий қиймати ва асосий кўрсаткичлари тўлиқ қамраб олиниши шарт. Шунингдек, инвестиция фаолияти таҳлили корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция фаолияти таҳлили корхона миқёсида таҳлил объекти ҳисобланса-да, унинг фаолият доираси ташқи ва ички омилларга, давлат аҳамиятига молик инвестиция дастурларининг қабул қилинишига боғлиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Корхоналарда инвестиция фаолияти ва лойиҳаларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш услуги”**га бағишланган. Унда инвестиция фаолияти лойиҳаларининг ўрни ва уларни

¹⁹ Муаллифнинг илмий тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/04-01-32/3488 маълумотномаси.

²⁰ Муаллифнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳамда корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таъсирини ҳисоблаш йўллари тадқиқ этилиб, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Ҳар қандай корхона самарали инвестиция танлови борасида маълум муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу боис, ушбу танловнинг олиб борилиши режалаштирилган молиявий ресурслар ҳажмига мос келиши талаб этилади. Инвестиция жозибадорлиги лойиҳалар самарадорлиги билан узвий боғлиқ, яъни инвестиция портфелида, биринчи навбатда, самарали инвестиция лойиҳалари ўрин олади. Хусусан, амалиётда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш кўплаб босқичларда амалга оширилишини талаб этади. Корхоналарда инвестиция портфелини шакллантиришда лойиҳа самарадорлигини баҳолаш қуйидаги усуллар орқали аниқланади: вақт омили ҳисобга олинмаган – оддий, яъни статистик усуллар; истиқболдаги пул тушумларини дисконтлашга асосланган ва даврий қийматни ўзида мужассамлаштирган янги динамик усуллар.

Агар дисконтлашнинг қоплаш муддатини ҳисоблаш усулига (DPP) кўра, унинг самарадорлигини баҳолайдиган бўлсак, лойиҳани тўхтатиш мақсадга мувофиқ. Лойиҳани амалга ошириш, белгиланган норматив муддатига кўра, қопланмаслиги кузатилса, унинг молиялаштирилмаслиги қуйидагилар, яъни соф жорий қиймат салбий ҳолатдалиги ($NPV < 0$), инвестицияларнинг рентабеллиги эса бирдан кам бўлиши ($PI < 1$) билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, чегирмали ва дисконтланмаган кўрсаткичлардан фойдаланиб баҳоланганда тафовутлар фарқи муҳим аҳамият касб этади. Инвестицияларни қоплаш муддати (PP) DPP каби бир қатор камчиликларга эга бўлиб, инвестиция лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш жараёнида маълум даражадаги қуйидаги мураккабликлар ва қийинчиликларни юзага келтиради. Яъни: қоплаш муддатидан ташқари олинган бошқа даромадларнинг ҳисобга олинмаслиги; кумулятив даромадлар суммаси бир хил, аммо йиллар бўйича тақсимланиши ҳар хил бўлган лойиҳалар ўртасидаги ўзаро фарқнинг ҳисобга олинмаслиги; аддитивлик (яъни миқдорнинг бутун объектга мос келадиган қиймати, объект имкониятига кўра, бир қанча қисмларга ажратилганда, қисмларга мос тегишли қийматлар йиғиндиси тенглигини ифодаловчи) хусусияти ҳисобга олинмаслиги кабилар.

Инвестицияни қоплаш муддати (PP) усулини инвестиция ўзгаришларини амалга ошириш шароитида технологияларни ўзгартиришга қаратилган йўналишларни белгилашда самарали қўллаш мумкин. Айнан шу хусусиятлар иқтисодиётдаги рақобат шароитида PP усулини қўллашнинг аниқ афзалликларини кўрсатиб беради. Инвестиция самарадорлигини баҳолашда асосий ўринни фойданинг ички нормасини ҳисоблаш усули (Internal Rate of Return, IRR) эгаллайди. Амалиётда бу ҳолат ички фойдалилик нормаси ва ички рентабеллик даражаси²¹, деб юритилади.

²¹ Бланк И.А. Управление финансовыми рисками. – К.: Ника-Центр, 2005. – 167 с.; Абдукаримов И.Т.,

Фойданинг ички нормасини ҳисоблаш усули (IRR)дан фойдаланиб, уни ҳисоблаш мураккаб жараён дир. Амалиётда IRRни ҳисоблашнинг бошқа методлари ҳам қўлланилади. Ушбу йўналишларда инвестицияларни жалб этишнинг молиявий муаммолари билан бевосита боғлиқ йўллари ҳамда натижалари пул шаклида ифодаланишининг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда, бу жараён маркетинг тадқиқотлари билан ҳам боғлиқликда юз беради. Қуйида келтирилган 5-расмда муқобил инвестиция ресурсларини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари келтирилган.

1. Инвестиция ресурслари билан таъминланганлик

- хусусий инвестиция ресурслари;
- хусусий ресурслар, ташқи ресурслар;
- хусусий ва жалб қилинган инвестиция ресурслари нисбати

2. Жалб этилган капитал қиймати

- Хусусий капитал қиймати ва жалб этилган капиталнинг алоҳида таркибий қисмлари нархи;
- хусусий ва жалб қилинган ресурслар нисбати.

3. Рисклилик

- активларнинг ликвидлиги;
- молиявий барқарорлик ва мустақиллик;
- банкротликка мойиллик.

4. Муқобил ресурсларни танлаш имконияти

- муқобил ресурсларнинг бозор баҳоси;
- капитални жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.

5. Даврийлик

- инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва қайтариш учун қулай даврларни баҳолаш ва танлаш.

6. Назорат

- мулк эгалари (акциядорлар) томонидан капитал таркиби, унинг даромадлиги назорати;
- мулк эгалари (сармоядорлар)нинг инвестиция киритилган объектга таъсирини (капиталдаги иштирокини) баҳолаш.

5-расм. Инвестиция ресурсларини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари²²

Инвестиция ресурсларининг таркибини оптималлаштириш капитал таркибий қисмлари нархини белгилаш, жалб қилинган маблағлар рискин баҳолаш ва фойдали бўлган муқобилларни танлаш билан бир қаторда, таҳлилнинг янги йўналишлари даврийлик омилини баҳолаш ва инвестиция киритилаётган объект назорати даражасини белгилашларни ўз ичига олади.

Муаллиф томонидан корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Буларга:

айланма маблағларга қўйилган инвестициялар самарадорлиги (Z);

Пардаев М.К., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, 768 с.

²² Тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

айланма маблағларга қўйилган инвестицияларнинг асосий воситаларга қўйилган инвестициялардаги ҳиссаси (W);

асосий воситаларга қўйилган инвестицияларнинг барча инвестициялардаги улуши (S).

Ушбу омилларнинг умумий инвестиция самарадорлигига таъсирини аниқлаш учун мультипликатив моделни қўллаган ҳолда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинди:

$$Qc = Z * W * S;$$

Бунга асосан натижа, ўзгаришига (ΔQc) алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш учун амалий маълумотларни қўллаб, ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари²³

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши билан қайта ҳисобланган		
				1-омил	2-омил	3-омил
1.	Айланма маблағларга қўйилган инвестициялар самарадорлиги (Z)	0,49	0,23	0,23	0,23	0,23
2.	Айланма маблағларга қўйилган инвестицияларнинг асосий воситаларга қўйилган инвестициялардаги ҳиссаси (W)	0,68	0,82	0,68	0,82	0,82
3.	Асосий воситаларга қўйилган инвестицияларнинг барча инвестициялардаги улуши (S)	0,073	0,060	0,073	0,073	0,060
4.	Ишлаб чиқаришга қўйилган инвестициянинг самарадорлиги, млн. сўм (Qc)	0,024	0,011	0,011	0,014	0,011

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ишлаб чиқаришга қўйилган инвестициянинг самарадорлиги, ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан уларнинг фарқи аниқланади.

$$\Delta Qc = (Z_x * W_x * S_x) - (Z_p * W_p * S_p);$$

$$(0,23 * 0,82 * 0,060) - (0,49 * 0,68 * 0,073) = -0,013$$

Таҳлил натижасининг кўрсатишича, самарадорлик 0,013 млн. сўмга (0,011-0,024) камайган. Ушбу ўзгаришга биринчи омилнинг таъсирини (ΔQc_z) ҳисоблаш учун натижа биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($Z_x * W_p * S_p$) ва ундан натижанинг режадаги миқдори ($Z_p * W_p * S_p$) айрилади.

$$\Delta Qc_z = (Z_x * W_p * S_p) - (Z_p * W_p * S_p);$$

$$(0,23 * 0,68 * 0,073) - (0,49 * 0,68 * 0,073) = -0,013$$

Биринчи омилнинг 0,26 га (0,23-0,49) камайиши инвестиция самарадорлигининг 0,013 млн. сўмга (0,011-0,024) камайишига сабаб бўлган.

²³ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

Ишлаб чиқаришга қўйилган инвестициянинг самарадорлиги ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини (ΔQ_{c_w}) ҳисоблаш учун натижа иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($Z_x * W_x * S_p$) ва ундан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Z_x * W_p * S_p$) айрилади.

$$\Delta Q_{c_w} = (Z_x * W_x * S_p) - (Z_x * W_p * S_p);$$

$$(0,23 * 0,82 * 0,073) - (0,23 * 0,68 * 0,073) = +0,003$$

Иккинчи омилнинг 0,14 га (0,82-0,68) кўпайиши, инвестиция самарадорлигининг 0,003 млн. сўмга (0,014-0,011) кўпайишига сабаб бўлган.

Натижа кўрсаткичига учинчи омилнинг таъсирини (ΔQ_{c_s}) ҳисоблаш учун натижа учинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($Z_x * W_x * S_x$) ва ундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Z_x * W_x * S_p$) айрилади.

$$\Delta Q_{c_s} = (Z_x * W_x * S_x) - (Z_x * W_x * S_p);$$

$$(0,23 * 0,82 * 0,060) - (0,23 * 0,82 * 0,073) = -0,003$$

Учинчи омилнинг 0,013 га (0,060-0,073) камайиши, натижанинг 0,003 млн. сўмга (0,011-0,014) камайишига сабаб бўлган. Барча омиллар таъсири инвестиция самарадорлиги ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади. Бу қуйидагича аниқланди:

$$\Delta Q_c = \Delta Q_{c_z} \pm \Delta Q_{c_w} \pm;$$

$$-0,013 = -0,013 + 0,003 - 0,003 \text{ млн. сўм}$$

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришга қўйилган инвестициянинг самарадорлиги ўзгаришига биринчи ва учинчи омилларнинг таъсири салбий, фақат иккинчи омилнинг таъсири ижобий бўлган. Иккита салбий таъсир қилган омилларни яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тақозо қилинади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган манбалар ва усуллар”** деб номланиб, унда инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган маълумотлар базасини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича хорижий тажрибалар ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари ҳамда корхонада пул оқимлари бўйича инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари каби масалалар баён қилинган.

Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисида ишончли ҳисоботлар унинг инвестиция жозибадорлигига, кредит рейтингига ва ҳамкорлар томонидан бўлган ишончга таъсир қилиши мумкин, натижада, бу корхона реал моддий фойда манбаига айланади. Маълумотлар базасини ошкор қилиш муаммолари ҳар бир манфаатдор фойдаланувчининг иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишидир. Кам сонли маълумотларга таянилган қарорлар қабул қилиш далилларнинг етишмаслигига олиб келади ва керакли маълумотни таҳлил қилиш имкониятини бермайди. Бу эса корхонанинг рақобатчилари учун анча фойдали бўлади. Корхоналарда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ифодаловчи

кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилишда қўлланиладиган маълумотлар базасини шакллантириш методологияси такомиллаштирилди (6-расм).


КОРПОРАТИВ ҲИСОБОТ			
Молиявий ҳисобот (МХХС концепциясига мувофиқ)		Ҳисоботлар таркибининг сифатини ўзгартириш ва кўшимча маълумотларни тақдим этиш:	Жамият олдидан ўз имижини шакллантирадиган компания ҳақидаги барча керакли маълумотлар:
Бухгалтерия ҳисоботлари			
Эътироф этиш ва баҳолаш сфераси	Молиявий ҳисоботга кўшимча ва эслатмалар:		
Асосий молиявий ҳисоботлар:			
– бухгалтерия баланси; – молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.	<i>Масалан:</i> – хусусий капитал тўғрисида ҳисобот; – пул оқимлари тўғрисида ҳисобот; – ҳисоб сиёсати; – сегментларга оид маълумотлар.	<i>Масалан:</i> – капитални бошқариш сиёсати; – рискларни бошқариш соҳасида корхонанинг мақсади ва сиёсати.	<i>Масалан:</i> – бизнеснинг мақсади, вазифаси ва фалсафаси; – рақобат имижини ва буюртма портфели.
I	II	III	IV

6-расм. Корхоналарнинг молиявий ҳисобот маълумотларининг ошкоралик даражаси²⁴

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш масаласи муҳим ва мураккаб жараён дур. Шу билан бирга, баҳолашнинг мукамал ва ягона услуби мавжуд эмас. Турли халқаро ташкилотлар, банклар, шунингдек, давлат идоралари инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос услубларини таклиф қилиб келадилар. Халқаро институтларнинг нисбатан оммалашган услубларини ажратиб кўрсатиш мумкин, масалан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) услуби, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЖТТБ) услуби, Халқаро Молия Корпорациясининг (ХМК) услуби, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) услублари (7-расм). Барча услубларни ўзаро таққослаш натижасида UNIDO методологияси – энг мукамал, умумлаштирилган ва мослашувчан услуб эканлигини кўришимиз мумкин. Маҳаллий шароитда фойдаланиладиган услубни қуйидагилар билан тўлдириш керак: а) лойиҳанинг турли босқичларида, уни тўғридан-тўғри амалга ошириш жараёнида, бизнесни режалаштириш босқичида бозор

²⁴Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

тадқиқотларидан тортиб, ноаниқликни пасайтириши ва лойиҳа, унинг тармоқдаги ўрни ҳақида қўшимча маълумот бериши мумкин бўлган реклама компанияларига қадар маркетинг компонентлари билан; б) хориж услублари, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини комплексли ва мослашувчан таҳлил қилиш бўйича UNIDO тажрибаси билан ёки миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда турли соҳалар учун ўз алгоритмлари ёки таҳлил кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак; в) турли хил ташқи ижтимоий-иқтисодий таъсирларни ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш нуқтаи назаридан лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини янада чуқур таҳлил қилиш, қўшимча тадқиқотларни ва тегишли концепцияни ишлаб чиқишни талаб қилади. Умуман олганда, камчиликлар мавжуд бўлса-да, маҳаллий услубни мунтазам ривожлантириш ва янада такомиллаштириб бориш зарур.



7-расм. Жаҳон мамлакатларида инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари²⁵

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, пул оқимлари фаолиятини баҳолаш даромадлилик, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичларга асосланган самарадорликнинг анъанавий таҳлиliga нисбатан сезиларли афзалликларга эга. Уни қўллаш корхона даромадларини шакллантиришда юзага келадиган кўплаб жиддий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Шунингдек, корхонада пул оқимларини шакллантириш методологияси ҳозирда тўлиқ миллий ҳисобга ўтказилган бўлиб, 7-сонли

²⁵ Илмий манбалар таҳлили асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

МХХСга муқобил равишда, “Пул оқими тўғрисида ҳисобот” (Statement of Cash Flows) 9-сонли БҲМС бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ишлаб чиқилган. Бироқ пул оқимларини ҳисоблаш усулларида маълум фарқлар мавжуд. Халқаро стандартлардан фойдаланиш операцион пул оқимларини аниқлашнинг у ёки бу усулини танлаш ҳуқуқини беради. Кўпгина мамлакатларда билвосита усулга устунлик берилади. Масалан, АҚШда бундан фирма ва компанияларнинг 95,0 фоизи фойдаланади. Испанияда бу усул мажбурий ҳисобланади. Бироқ Австралия, Россия ва Молдова каби баъзи мамлакатларда бевосита усул мажбурийдир²⁶.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай инвестор учун инвестиция лойиҳаларига маблағларни йўналтиришни минималлаштириш нуқтаи назаридан энг яхши вариант ҳисобланади. Одатда, бундай лойиҳаларда иш бошидан тушадиган даромад бошқа лойиҳаларга қараганда юқори бўлади ва қайтарилиш даври охирида камаяди. Қуйида “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг амалдаги инвестиция лойиҳалари сметаси келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг амалдаги инвестиция лойиҳалари сметаси²⁷

№	Лойиҳалар	2015-2017 йй.	2014-2015йй.	2016-2018 йй.
		1-лойиҳа	2-лойиҳа	3-лойиҳа
1	Ишлаб чиқариш ҳажми (йилига)	25,0* минг тонна	10,0** минг тонна	100,0 минг тонна
2	Лойиҳанинг дастлабки умумий қиймати (минг АҚШ долл.)	59940,0	16957,9	19900
3	Корхонанинг ўз маблағлари (минг АҚШ долл.)	46400	6557,9	4700
4	Қарзга олинган (кредит) маблағлар (минг АҚШ долл.)	13540	10400***	15200****

1-лойиҳа: “Ферросилиций ва ферросилоко-марганецни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестиция лойиҳаси

2-лойиҳа: “Тошкент вилоятида базальт асосида иссиқлик изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиши” инвестиция лойиҳаси

3-лойиҳа: “2-сон прокатни саралаш цехида “300” станда катанка ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сим ясайдиган блок ўрнатиш” инвестиция лойиҳаси

*15,0 минг тонна ферросилиций ва 10,0 минг тонна ферросилоко-марганец ишлаб чиқариш режалаштирилган.

** Базальт плиталари – 6,65 минг тонна, базальт матлар – 2,85 минг тонна, базальт пахта – 0,5 минг тонна.

*** Ипотека-банк кредити 5400 минг АҚШ долл. ҳамда ЎТТФ (Хитой) томонидан 5000 минг АҚШ долл.

**** Ипотека-банк кредити 5200 минг АҚШ долл. ҳамда ЎТТФ (Хитой) томонидан 10000 минг АҚШ долл.

Қуйида мазкур инвестиция лойиҳалари харажатларининг қопланиш муддатлари дисконтланган муддатини таҳлил қилиб, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш методологиясини янада

²⁶ https://gaap.ru/articles/otchet_o_dvizhenii_denezhnykh_sredstv_id_77228/

²⁷ Таҳқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

такомиллаштиришга оид илмий хулосалар асосланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Корхоналарда инвестиция фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилни такомиллаштириш йўллари**” деб номланиб, металлургия саноати корхоналарида инвестиция фаолиятининг таҳлилий-услубий концепциясини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни оптималлаштириш масалаларини баҳолаш ва таҳлилни такомиллаштириш йўллари, корхоналарда инвестиция самарадорлигини оширишнинг прогноз кўрсаткичлари ҳамда уларни аниқлаш имкониятлари бўйича хулосалар келтирилган. Амалий маълумотларнинг ҳисоб-китоби “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ мисолида амалга оширилган.

2019 йилда операцион фаолиятнинг соф пул тушуми 660035,2 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 550024,1 млн. сўмни ташкил этган. Бундан, кўришиб турибдики, $\Delta IO_t = 110$ млн. сўмга тенг бўлган. Жорий давр учун эса инвестиция қийматининг ўзгариши 538779,4 млн. сўмни ташкил этган.

Металлургия саноати корхоналарида инвестиция қўйилмаларининг мультипликаторини баҳолаш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

Инвестиция қўйилмаларининг мультипликатори:

$$MP_t = \frac{\Delta IO_t}{\Delta Inv_t} = \frac{110011,1}{538779,4} = 0,204$$

Бунда, тадқиқот объекти мисолида олинган маълумотларга таяниб, ҳисоб-китобларимиз 2018 йилдан 2019 йилгача инвестициялар қийматининг ўзгариши суръати $\Delta Inv_{t-1} = 105$ млн. сўмни ташкил қилган.

$$AC_t = \frac{\Delta Inv_{t-1}}{\Delta IO_t} = \frac{105390,6}{110011,1} = 0,958$$

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида олинган натижаларни қуйидагича изоҳлаймиз. (3-жадвал).

3-жадвал

Металлургия саноати корхоналарида инвестиция қўйилмаларининг мультипликатори ва акселераторидан олинган баҳолар изоҳи²⁸

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич қиймати	Изоҳ
Инвестиция қўйилмаларининг мультипликатори ()	$MP_t \leq 0$	Даромадни ошириш ва инвестиция ҳисобига асосий фаолиятни жадаллаштириш имкони йўқ
	$0,01 \leq MP_t \leq 1,01$	Асосий фаолият даромадлилигини ошириш имконияти мавжуд
	$MP_t \geq 1,01$	Инвестициядан фойдаланиш орқали асосий фаолиятнинг юқори даромад олиш имконияти мавжуд
Инвестиция қўйилмаларининг	$AC_t \leq 0$	Инвестиция ресурсларининг қўйилмалари уларнинг даромадлилигини оширмади

²⁸ Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

акселератори ()	$0,01 \geq AC_i \leq 1,0$	Ўтган даврдаги инвестиция ресурсларининг мақбул йўналтирилганлиги
	$AC_i > 1$	Инвестиция фаолиятида ресурсларнинг ҳаддан ташқари жалб қилинганлиги

Ўз навбатида, молиявий ричаг корхонанинг асосий фаолияти ривожланиши учун олинган қарз маблағларини жалб қилиш самарадорлигини ифодалайди ва бу молиявий ричаг қиймати қанчалик катта бўлса, қарз маблағларини жалб қилишнинг таъсири шунча юқори бўлади.

Буни “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг молиявий ва операцион дастагини баҳолаш мисолида кўриб чиқамиз, бунга кўра:

$$E_{FL} = (1 - 0,12) * 14,34 * 1,22 = 15,4$$

$$E_{OLP} = \frac{660035,2}{1132458,7} = 0,5828$$

$$E_{OLN} = \frac{660035,2 - 578945,8}{1132458,7} = 0,071$$

$$PPM = E_{OLP} - E_{OLN} = 0,5828 - 0,071 = 0,5118$$

Металлургия саноати корхоналарида молиявий дастак ва операцион ричагдан олинган натижаларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин бўлади (4-жадвал).

4-жадвал

Металлургия саноати корхоналарида молиявий дастак (ричаг) ва операцион дастакдан олинган баҳоларни шарҳлаш²⁹

Кўрсаткич	Кўрсаткич қиймати	Изоҳ
Молиявий дастак таъсири ()	$E_{FL} \leq 0$	Қарз манбаларини, шу жумладан, инвестицияларга йўналтирилган маблағларни жалб қилиш корхона учун зарарли ҳисобланади
	$0,01 \geq E_{FL} \leq 1,01$	Қарз манбаларини, шу жумладан, инвестицияларга йўналтирилган маблағларни жалб қилиш корхона учун маълум фойда келтиради
	$E_{FL} > 1,01$ ва юқори	Қарз манбаларини жалб қилиш корхона учун жуда фойдали, чунки уни келажакда ривожлантириш катта имкониятдир
Операцион дастак таъсири	ишлаб чиқариш манёврлигининг ўзгарганлиги ($PPM = E_{OLP} - E_{OLN}$)	
	$PPM < 0,5$	Корхона фаолияти ўсиш ва ривожланиш учун минимал ишлаб чиқариш манёврлиги захира яратмаслиги билан тавсифланади
	$PPM \approx 0,5$	Корхона фаолияти ўсиши ва ривожланиши учун захираларни яратадиган ишлаб чиқариш манёврлиги аҳамиятсизлиги билан тавсифланади.
	$PPM > 0,5$	Корхона фаолиятини ривожлантириш учун оптимал ишлаб чиқариш манёврлиги муҳим

²⁹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган.

EVA концепциясида капиталнинг рентабеллигини ҳисоблашда соф фойда кўрсаткичи металлургия саноати корхонаси, агар қарз маблағларидан фойдаланмаган бўлса, олинган соф фойда сифатида аниқланади. Ушбу ёндашув фоиз тўловлари капитални жалб қилиш харажатларини англантиши ва капитал қийматини ҳисоблашда ҳисобга олиниши билан белгиланади.

Ноаниқ тўпламлар назариясини якуний ҳолатга татбиқ этиш анча самарали бўлади. Чунки ҳар қандай ҳолатда қарор қабул қилиш пировард натижага боғлиқ бўлади. Натижа қандай бўлишига қараб, самарали қарор қабул қилингани каби натижаларни аниқ акс эттириш мақсадида инвестициялар қайтимини учта: яхши, ўрта ва ёмон ҳолатларга мувофиқ баҳолаш керак. Бу, ўз навбатида, инвестор учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам манфаат келтиради.

Жараёнга ноаниқ тўпламлар назариясини қўллаш, авваламбор, сифат кўрсаткичларини экспертларсиз миқдор кўрсаткичи орқали ифодалаш имконини, ноаниқ маълумотлар устидан таҳлиллар олиб бориш, мураккаб динамик тизимларни берилган аниқлик даражасида таққослаш, инвестиция жараёнлари таваккалчиликларини камайтириш имконини беради.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, лойиҳаларнинг қопланиш муддатлари бўйича эмпирик функциясини тузиб оламиз:

$$F = \begin{cases} 0 < x \leq 5 & \text{бўлганда, ЯХШИ} \\ 5 < x \leq 10 & \text{бўлганда, ЎРТА} \\ 10 < x & \text{бўлганда, ЁМОН} \end{cases}$$

Эмпирик функция ёрдамида аниқланган ҳолатлар бўйича ноаниқ тўплам $U \in (\text{ЯХШИ}, \text{ЎРТА}, \text{ЁМОН})$ дан ҳар бир ҳолат сонини аниқлаш учун шартли функциялардан фойдаланиш ва умумий тўпламдаги улушини ҳисоблаш керак бўлади.

Тадқиқотда такомиллаштирилган инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатини баҳолаш усулини тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган 3 та лойиҳага татбиқан кўришимиз мумкин. Биринчи лойиҳа бўйича маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

“Ферросилиций ва ферросилоко-марганецни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” инвестиция лойиҳасига қилинган сарф харажатлар³⁰
(млн. АҚШ долл.)

t_k	0	1	2	3	4	5	...	12	13
x_k	59940	0	0	0	0	0	...	0	0
y_k	0	5190	9125	9125	9125	9125	...	9125	9125

$$a) \quad NPV(12) = -\frac{59940}{1,1^0} + \frac{5190}{1,1^1} + \frac{9125}{1,1^2} + \frac{9125}{1,1^3} + \dots + \frac{9125}{1,1^{12}} \approx -1342,$$

³⁰ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

$$NPV(13) = -\frac{59940}{1,1^0} + \frac{5190}{1,1^1} + \frac{9125}{1,1^2} + \frac{9125}{1,1^3} + \dots + \frac{9125}{1,1^{13}} \approx 1300,$$

Демак, 13 – йилдан бошлаб, бу лойиҳа самарали ҳисобланади, чунки $NPV(13) > 0$.

$$b) d(12) = \frac{58597,7}{59940} = 0,97763 < 1, n_2 = 12;$$

$$d(13) = \frac{61240,8}{59940} = 1,0217 > 1, n_2$$

бу кўрсаткич бўйича ҳам лойиҳа 13 – йилдан бошлаб самарали ҳисобланади, чунки $d > 1$.

$$c) S_{n_1}(x_t) = \sum_{t=1}^{n_1} x_t(1+r)^{n_1-t} = 5$$

$$P_{n_1}(y_t, k) = \sum_{t=n_1+1}^{n_1+k} \frac{y_t}{(1+r)^{t-n_1}} = 58597,7; k = 11;$$

$$P_{n_1}(y_t, k+1) = \sum_{t=n_1+1}^{n_1+k+1} \frac{y_t}{(1+r)^{t-n_1}} = 61240,8; k+1 = 12.$$

Агар DPP ни ҳисоблашда формуладан фойдалансак, у ҳолда

$$DPP(x_t, y_t, r, n_1, n_2) = n_1 + \Delta n_2 = n_1 + \left[-\frac{\ln \left\{ 1 - \frac{S_{n_1}(x_t)}{P_{n_1}(y_t)} [1 - (1+r)^{-n_2}] \right\}}{\ln(1+r)} \right] \approx 1+12,6=13,6$$

Шу усул ёрдамида “Тошкент вилоятида базальт асосида иссиқлик изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ва “2-Навли прокат цехида сим блокини ўрнатиш билан “300 – стан”да пўлат сим ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш” инвестиция лойиҳалари ҳисоб-китоблари амалга оширилди. Мазкур ҳисоблар таҳлили натижаси қуйидаги жадвалда умумлаштирилган (6-жадвал).

6-жадвал

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида инвестиция лойиҳаларнинг ноаниқ тўплам назарияси бўйича инвесторлар учун жозибадорлик баҳоларининг умумлаштирилган жадвали³¹

Даврлар	1-лойиҳа	2-лойиҳа	3-лойиҳа
1	қопланмади	қопланмади	қопланмади
2	қопланмади	қопланмади	қопланмади
3	қопланмади	қопланмади	қопланмади
		...	
10	қопланмади	қопланмади	қопланади
13	қопланади	қопланмади	
		...	
20		қопланади	

³¹ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

Қопланиш даври	13 йилда	20 йилда	10 йилда
Жозибадорлик	ёмон	ёмон	ўрта

6-жадвалга кўра 1-лойиха (ферросилиций ва ферросилоко-марганецни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш) ва 2-лойиха (Тошкент вилоятида базальт асосида иссиқлик изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш)нинг инвесторлар учун жозибадорлик ҳолати “Ёмон” натижани кўрсатди ва 3-лойиханинг (2-сон прокатни саралаш цехида “300” станда катанка ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сим ясайдиган блок ўрнатиш) инвесторлар учун жозибадорлик ҳолати “Ўрта” натижани кўрсатди.

Корхона фаолиятини ривожлантириш ва инвестиция самарадорлигини ошириш учун келгусида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифаларни белгилаб олиш лозим бўлади. Бунинг учун корхона ҳисобот даврининг соф фойдаси (SF)га таъсир этувчи корхонага киритилган инвестиция ҳажми (AKI), маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум (Mss), сотилган маҳсулотларнинг таннарни – Smt, даромад солиғи (Ds), жами ишчилар сони (Is), асосий воситалар (AV) ва энергия сарфи (электр энергия, сув, газ ва ҳ.к.) (ES) каби кўрсаткичлар танлаб олинди.

1-сценарий бўйича корхона ҳисобот даврининг соф фойдаси (SF)га таъсир этувчи корхонага киритилган инвестиция ҳажми (AKI), маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум (Mss) ва сотилган маҳсулотларнинг таннарни (Smt) омилларининг корреляция коэффицентлари аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, танланган омиллар таъсирида корхона ҳисобот даври соф фойдасининг ўзгаришини ифодаловчи регрессия тенгламаси аниқланди:

$$\ln SF = 1,7 \ln Mss - 0,58 \ln Smt + 1,059 \ln AKI \quad (1)$$

Албатта, ҳисоб-китоблар орқали олинган натижаларга аниқлик киритиш учун (1) моделни потенциаллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу келгуси прогноз натижаларини ҳисоблашда аниқликка эришиш имконини беради. Бунда (1) модель қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$SF = \frac{Mss^{1,7}}{Smt^{0,58}} \quad (1^*)$$

(1*)-модель натижасига кўра, ҳозирги кунда корхонада маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ҳажмини 10 млн. сўмга ошириш, ўз навбатида, корхона соф фойдасининг кўшимча 1,1 млн. сўм ошишига ва корхонага киритилган инвестиция ҳажмини 10 минг АҚШ долларига камайтириш ҳисобидан корхона 518 АҚШ доллари ҳамда сотилган маҳсулотлар таннарини кузатув даврига нисбатан 100 млн. сўмга камайтириш мос равишда 3,42 млн. сўмга кўшимча равишда соф фойда ошириши аниқланди.

Бу ҳолат ҳозирги кунда корхона маълумотларидан 1-сценарий бўйича танлаб олинган омилларга нисбатан инвестицияга тўйинганини англатади. Масалан: инвестиция киритилгани билан ундан тўлиқ фойдаланиш имконияти чекланган, айтайлик, ишчиларнинг тажрибаси, малакаси ёки

энергия ресурсларининг етишмаслиги ва ҳоказолар. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг юқорилиги ҳам аниқланган тенгламада ўз ифодасини топмоқда.

Энди, ушбу (1*) модель асосида ҳар бир омилнинг вақтга нисбатан регрессия тенгламаларини келтириб чиқариш мумкин:

$$\text{Корхонага киритилган инвестиция ҳажми} - \\ AKI = 8803,2 + 335;$$

$$\text{Маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушум} - \\ MSS = -25126,8 + 31949;$$

$$\text{Сотилган маҳсулотларнинг таннархи} - \\ Smt = 6203,2 + 355.$$

фойдаланиб, 1-сценарий бўйича корхона соф фойда ҳажмининг кўп омилли прогнози амалга оширилди (7-жадвал).

7-жадвал

1 - сценарий бўйича корхона соф фойда ҳажмининг кўп омилли прогноз натижалари³²

Йил-лар	Ҳисобот даврининг соф фойдаси, млн.сум	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум, млн.сум	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи, млн.сум	Инвестиция ҳажми, минг. долл
2020	370659,3	5665929,4	4447751,4	55767,6
2021	388199,0	6071140	4767242,7	59122,2
2022	405241,5	6476350,6	5086734	62476,8
2023	421830,1	6881561,2	5406225,3	65831,4
2024	438002,6	7286771,8	5725716,6	69186
2025	453791,6	7691982,4	6045207,9	72540,6

1-сценарий бўйича соф тушум ҳажмининг кўп омилли прогноз натижалари 7-жадвалда акс эттирилган. Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилдан 2025 йилгача бўлган даврларда маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушумнинг корхона ҳисобот давридаги соф фойдасига, сотилган маҳсулотларнинг таннархи ва корхонага киритилган инвестиция ҳажмига бевосита боғлиқлик корреляцияси ўрганилган.

2-сценарий бўйича корхона ҳисобот даврининг соф фойдаси (SF) ўзгаришига таъсир этувчи корхонага киритилган инвестиция ҳажми (AKI), даромад солиғи (Ds) ва корхона жами ишчилар сони (Is) ўртасидаги боғлиқликнинг эконометрик таҳлили кўриб чиқилади. Бунга асосан, танланган омиллар таъсирида корхона ҳисобот даври соф фойдасининг ўзгаришини ифодаловчи регрессия тенгламаси аниқланди:

$$\ln SF = 1,31 * \ln AKI + 0,6 \ln DS - 12,5 \ln IS + 106,7 \quad (2)$$

потенцирланганда,

$$SF = \frac{AKI^{1,3076735} \cdot DS^{0,6}}{IS^{12,5}} \quad (2^*)$$

³² Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

2-сценарий бўйича аниқланган (2*)-модель бўйича корхонага киритилган инвестиция ҳажмини минг АҚШ долларига ошириш ҳисобидан соф фойда ҳажмининг 8,7 минг АҚШ долларига оширишга эришиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, даромад кўпайгандан кейин ундан тўланадиган солиқ миқдори ҳам ошиб боради. Аммо корхонанинг ҳозирги ҳолатида ишчи ходимлар сонига эътибор қаратиш лозим, корхона фаолиятини тажрибали ва малакали ишчилар билан олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки қолган омил кўрсаткичлари ўзгармас бўлган ҳолда тажриба ва кўникмага эга бўлган ишчилар сонини 1 кишига ошириш ҳисобидан корхона 6,6 млн. сўм соф фойдасини йўқотиши мумкинлиги аниқланди.

Энди (2*), модель ва таъсир этувчи омилларнинг вақт бўйича ўзгаришининг регрессия тенгламаларидан:

Корхонага киритилган инвестиция ҳажми –

$$AKI = 8803,2 + 335;$$

Даромад солиғи –

$$Ds = -6043,5 + 592;$$

Жами ишчилар сони –

$$Is = 9022,2 + 5'$$

фойдаланиб, корхона соф фойда ҳажмини кўп омилли прогнози амалга оширилди (8-жадвал).

8-жадвал

2-сценарий бўйича корхона соф фойда ҳажмининг кўп омилли прогноз натижалари³³

Йил-лар	Ҳисобот даврининг соф фойдаси, млн.сум	Инвестиция ҳажми, минг долл	Даромад солиғи, млн.сум	Жами ишчилар сони
2020	372787,5	55767,6	76933,1	9828,6
2021	391068,3	59122,2	82860	9886,2
2022	407436,7	62476,8	88786,9	9943,8
2023	421935,9	65831,4	94713,8	10001,4
2024	434624,2	69186,0	100640,7	10059,0
2025	445571,3	72540,6	106567,6	10116,6

3-сценарий бўйича “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг соф фойдаси – SF ўзгаришига корхонага киритилган инвестиция ҳажми – AKI, асосий воситалар – AV ва энергия сарфи – ES омиллар таъсири эконометрик моделини аниқлаш лозим.

Бу, ўз навбатида, танланган омиллар таъсирида корхона ҳисобот даври соф фойдасининг ўзгаришини ифодаловчи регрессия тенгламаси қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\ln SF = -1,2 \ln AKI - 2,3 \ln AV + 3,7 \ln ES + 10,6 \quad (3)$$

потенцирланганда,

³³ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

$$SF = \frac{ES^{3,7} \cdot \epsilon}{AKI^{1,1}} \quad (3^*)$$

(3*)-модель бўйича “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда энергиянинг 1 фоизга ўзгартириш ҳисобидан корхона соф фойдасини кўшимча 3,7 баробарга ошириш мумкин, бу корхона ишлаб чиқариш жараёнида энергия ресурслари сарфининг етишмаслигида кузатилади. Акциядорлик жамиятининг ҳозирги ҳолатида инвестиция ва асосий воситаларнинг тўлиқ қувват билан ишлаётганлиги аниқланди. Инвестиция ва асосий воситаларни 1 сўмга кўпайтириш корхона соф фойдасини мос равишда кўшимча ўртача 1 сўмга ошириш имконини бериши аниқланди ҳамда корхона маълумотларидан фойдаланган ҳолда аниқланган натижага кўра, корхона ҳозирги кунда ҳар қандай соф рақобатга бардош бера олади.

Энди (3*), модель ва таъсир этувчи омилларнинг вақт бўйича ўзгаришининг регрессия тенгламаларидан:

Энергия ресурси сарфи (элект.энер., сув, газ ...) –

$$ES = -10642 + 2980;$$

Корхонага киритилган инвестиция ҳажми –

$$AKI = 8803,2 + 335;$$

Асосий воситалар –

$$AV = -15344,2 + 8163.$$

Берилган моделлардан ўрнига қўйиш билан 3-сценарий бўйича кўп омилли прогноз амалга оширилди (9-жадвал).

9-жадвал

3-сценарий бўйича корхона соф фойда ҳажмининг кўп омилли прогноз натижалари³⁴


Йиллар	Ҳисобот даврининг соф фойдаси, млн.сум	Инвестиция ҳажми, минг. долл	Асосий воситалар, млн.сум	Энер. сарф. (элект.энер. сув, газ ...), млн.сум
2020	364893,8	55767,6	1127558,4	406668,6
2021	376329,0	59122,2	1209194,3	436476,5
2022	386991,1	62476,8	1290830,2	466284,4
2023	396973,9	65831,4	1372466,1	496092,3
2024	406355,8	69186	1454102	525900,2
2025	415202,9	72540,6	1535737,9	555708,1

3-сценарий бўйича корхона соф фойда ҳажмини кўп омилли, яъни корхонага киритилган инвестиция, асосий воситаларга ва электр энергияси сарфларининг боғлиқлик корреляцияси прогноз натижалари келтирилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, корхона соф фойдаси 2020 йилдан 2025 йилгача бўлган даврларда 12,1%га мутаносиб равишда ўсиш тамойилига эга бўлган. Шунга мос равишда, электр энергия ресурси сарфларига харажатларнинг 26,8 % ошганлигини кўришимиз мумкин.

3та сценарий бўйича “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ инвестиция самарадорлигини оширишнинг прогноз кўрсаткичлари оптимал

³⁴ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

вариантини аниқлашга ҳаракат қилдик. Учта сценарий бўйича соф фойданинг йиллар бўйича ўзгаришини 8-расмда янада яққол кўриш мумкин.



8-расм. Учта сценарий бўйича соф фойданинг йиллар бўйича ўзгариш суръатлари³⁵

Юқорида прогнозлаш усулидан фойдаланган ҳолда 3та сценарий бўйича амалга оширилган таҳлилларимиздан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бунда энг оптимали 1-сценарийдир. Чунки айнан бундаги вазиятда бошқа сценарийларга нисбатан соф фойданинг ўсиши кузатилган. 2025 йилгача бўлган даврларда “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ соф фойдаси мос равишда корхонага киритилган инвестиция ҳажми, даромад солиғи ва ишчилар сони бевосита боғлиқлик корреляцияси зичлиги оптимал вариантда бўлиши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

³⁵ Тадқиқот объекти мисолида муаллиф ишланмаси.

ХУЛОСА

Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини тадқиқ қилиб, уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Корхоналарда инвестиция фаолияти таҳлилинини ташкил этишнинг хусусиятлари очиб берилди, уларни белгиланган халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асосланди, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишда етарли даражада ахборот имкониятлари кенгайтирилди. Жаҳон амалиётида инвестиция фаолияти таҳлилинини ташкил этиш, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

2. Тадқиқот натижасида инвестиция фаолиятининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Инвестиция фаолияти деганда, иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига ресурсларнинг капиталлашувини таъминлаш ва фойда (даромад) олиш мақсадида инвесторларнинг ресурсларини жамғариш ва уларни турли шаклларда қўйиш билан боғлиқ бўлган барча амалий ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Ушбу таъриф назарий жиҳатдан асослаб берилди.

3. Самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилининг анъанавий кўрсаткичлар тизими экологик ва ижтимоий таҳлил кўрсаткичлари асосида диверсификация қилиниши натижасида таҳлил методологияси такомиллаштирилди, уларнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар тизими кенгайтирилди.

4. Тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳалари таҳлили ва мониторингини ўтказиш тартиби ташқи ва ички муҳит ҳамда лойиҳа босқичлари асосида такомиллаштирилди. Ушбу омилларни эътиборга олган ҳолда инвестиция лойиҳалари реализация муддатлари мониторингини мунтазам амалга ошириш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятлари кенгайтирилди.

5. Корхоналарда инвестиция самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таъсирини ҳисоблаш методикаси мультипликатив моделдан фойдаланган ҳолда занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб такомиллаштирилди ва илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

6. Инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддатлари ташкилий-услубий мезонларини ноаниқ тўпламлар назарияси асосида яхши, ўрта ва ёмон даражаларда баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш натижасида уларнинг қопланиш муддатларини таҳлил қилиш ва аниқ мезонлар асосида баҳолаш имкониятлари яратилди.

7. Корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш натижасида, инқироз шароитида

корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилди.

8. Корхона инвестиция фаолияти таҳлилини амалга оширишни рақамлаштириш орқали корхоналарнинг келгуси истиқболли даврга мўлжалланган оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш имкониятлари кенгайтирилди.

9. Корхоналарда инвестиция лойиҳаси самарадорлигини тавсифловчи комплекс баҳолаш ва тизимли таҳлил қилишда янги кўрсаткичлар тизими таклиф этилди ҳамда улар ёрдамида лойиҳаларнинг самарали ёки самарасиз эканлигини аниқлаш имкониятлари яратилганлиги туфайли, корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш механизми ва назорат амалиёти такомиллаштирилди.

10. Инвестиция фаоллигига таъсир кўрсатувчи инвестиция ҳажми, инвестиция самарадорлиги, инвестициядан кутиладиган натижа, корхона ички ресурсларининг инвестицияга муҳтожлик даражаси каби кўрсаткичларнинг омилли таҳлилини замонавий усуллари орқали такомиллаштириш эвазига самарали инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва жалб қилиш методологияси яратилди.

11. Пандемия шароитида мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлиги таҳлилини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш натижасида ички захиралар, молиявий барқарорлик ҳолати, бухгалтерия ҳисоботларида инвестиция кўламини белгилаш каби самарали таҳлил услубиёти такомиллаштирилди.

12. “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг инвестиция фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилиб, инвестиция самарадорлигини ошириш имкониятининг 2025 йилгача бўлган уч хил сценарийдаги прогноз кўрсаткичларининг истиқболли йўналишлари белгиланди ҳамда корхона учун инвестиция самарадорлигини белгилаш имкониятини берувчи омилли кўрсаткичлар аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш жараёнида корхоналар инвестиция фаолияти таҳлилини такомиллаштириш ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал қилиш ва камбағалликни қисқартириш эвазига аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини кўтаришга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

АСТАНАКУЛОВ ОЛИМ ТАШТЕМИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ АНАЛИЗА
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ**

08.00.08 – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

город Ташкент – 2020 год

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.4.DSc/Iqt188.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**
доктор экономических наук, профессор

Исроилов Боходир Ибрагимович
доктор экономических наук, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.17.01 по присуждению ученой степени при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г.Ташкент, проспект А. Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (регистрационный №__). Адрес: 100000, г. Ташкент, проспект А. Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол реестра рассылки №__ от «__» _____ 2020 года)

Т.З.Тешабаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.Н.Каландарова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по экономическим наукам, (PhD)

И.Н.Кузиев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация (DSc) докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Международными организациями мира разработаны критерии формирования и анализа финансовой информации для организации инвестиционной деятельности и особое внимание уделяется совершенствованию системы управления государственных национальных компаний на основании этих критериев. Однако в условиях нынешней глобальной пандемии резко возрастают угрозы кризиса для экономики стран мира. Ученые-экономисты и эксперты Европейского союза отмечают, что “в период потерь” во время экономического кризиса, а также при резком снижении экономического роста самым ключевым фактором, влияющим на восстановление экономической деятельности, будут инвестиции”³⁶. По данным исследований и прогнозам Конференции Генеральной Ассамблеи ООН по торговле и развитию (UNCTAD) “кризис пандемии в 2020–2021 годах приведет к резкому сокращению прямых иностранных инвестиций, и предполагается, что их поток к концу 2020 года может сократиться почти на 40 процентов по сравнению с 1,54 трлн долл. США в 2019 году”³⁷. В таких условиях возрастает значение принятия эффективных управленческих решений на основании проведения всестороннего анализа инвестиционной деятельности предприятий.

В международной практике авторитетными финансовыми институтами, такими как Всемирный банк, Международный Валютный Фонд, Программа Развития ООН, особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование методических руководств по принятию в компаниях эффективных инвестиционных решений. Данные исследования инициируются престижными исследовательскими центрами и позволяют усовершенствовать методики анализа инвестиционной деятельности хозяйствующих субъектов в соответствии с требованиями международных стандартов. Однако своего положительного решения пока еще нашли важные вопросы, связанные с изучением теоретических основ анализа инвестиционной деятельности предприятий, совершенствованием методики оценки и анализа инвестиционной активности предприятий, поиском новых источников и методик, применяемых при анализе эффективности инвестиционной деятельности предприятий, совершенствованием анализа показателей, отражающих результативность инвестиционной деятельности.

Отчеты о результатах инвестиционной деятельности национальных и иностранных предприятий Узбекистана разрабатываются на уровне международных стандартов с обеспечением их объективности и прозрачности. Это способствует не только улучшению в стране условий для ведения бизнеса,

³⁶ Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. *Econ Model.* 2020. doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004.

³⁷ World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf

но и повышает заинтересованность предпринимателей. В частности, в ежегодно публикуемом отчете за 2020 год Организации Объединенных Наций по промышленному развитию (UNIDO) Узбекистан впервые включен в рейтинг индекса конкурентоспособности промышленности: “Заняв 92 позицию среди 152 стран мира с 0,017 баллами, Узбекистан вошел в рейтинг индекса СІР, который измеряет способность стран производить и экспортировать товары обрабатывающей промышленности на конкурентном уровне, подчеркнуто, что среди стран СНГ Узбекистан занимает 5 место, среди стран Центральной Азии 2 место”³⁸. В качестве приоритетных направлений развития и либерализации экономики поставлены задачи “дальнейшего улучшения инвестиционного климата в стране, стимулирования привлечения прямых инвестиций, укрепления доверия инвесторов к последовательности государственной политики в данном направлении и повышения ответственности государственных структур в работе с инвесторами”³⁹, “своевременной и качественной реализации инвестиционных проектов, что является важнейшим фактором социально-экономического развития страны, создания новых производственных мощностей и рабочих мест, совершенствования инфраструктуры и благоустройства территорий, повышения уровня благосостояния населения”⁴⁰. Эти задачи, в свою очередь, определили для хозяйствующих субъектов задачи стратегического планирования инвестиционной деятельности и анализа ее эффективности. Они указывают на необходимость повышения результативности инвестиционной деятельности предприятий, совершенствования механизмов анализа эффективности инвестиционной активности, усиления их роли в обеспечении экономической стабильности хозяйствующих субъектов и усиления методических основ процедуры анализа инвестиционной деятельности.

Данное диссертационное исследование будет служить в определенной степени реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 1 августа 2018 года №УП-5495 “О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан”, от 14 мая 2019 года №УП-5717 “О мерах по переходу на качественно новую систему формирования и реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан”, от 2 июня 2020 года №УП-6003 “Об улучшении позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах, а также внедрении нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях”, Постановлении Кабинета Министров Республики

³⁸ <https://stat.unido.org/>

³⁹ Указ Президента Республики Узбекистан от 01.08.2018г. № УП-5495 “О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан” // Национальная база законодательства Республики Узбекистан, 02.08.2018 г., № 06/18/5495/1611.

⁴⁰ Указ Президента Республики Узбекистан от 14.05.2019г. № УП-5717 “О мерах по переходу на качественно новую систему формирования и реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан” // Национальная база законодательства Республики Узбекистан, 15.05.2019 г., № 06/19/5717/3132; 18.08.2020 г., № 06/20/6042/1190.

Узбекистан от 22 июля 2019 года №616 “Об организационных мерах по внедрению и эксплуатации информационной системы в сфере контроля и мониторинга реализации инвестиционных проектов”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития в республике науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных работ по теме диссертации⁴¹. Научные исследования, посвященные вопросам совершенствования теоретических и методологических основ анализа инвестиционной деятельности предприятий, проводились в ведущих научно-исследовательских центрах, университетах и институтах мира, в том числе в научном центре Анализа инвестиционных рисков при Манчестерском университете (The Centre for the Analysis of Investment Risk (CAIR)) (Великобритания), Центре повышения квалификации по бухгалтерскому учету и анализу безопасности при Колумбийской школе бизнеса (Center for Excellence in Accounting and Security Analysis (CEASA)) (США), University of Notre Dame, University of Texas at Austin (США), в Краковском экономическом университете (Польша), Научно-исследовательском институте при Организации экономического сотрудничества и развития (OECD), Московском государственном университете имени М.В.Ломоносова, Нижегородском государственном университете имени Н.И.Лобачевского, Финансовом университете при правительстве Российской Федерации (Россия), Ташкентском финансовом институте, Ташкентском государственном экономическом университете, Самаркандском институте экономики и сервиса (Узбекистан).

На основе проведенных исследований по совершенствованию теоретических и методологических основ анализа инвестиционной деятельности предприятий получены следующие важные научные результаты: предложена методология оценки эффективности инвестиционной деятельности на основе анализа прибыли и расхода (The Centre for the Analysis of Investment Risk (CAIR)); разработана методика анализа инвестиционной деятельности (Center for Excellence in Accounting and Security Analysis (CEASA)), разработана методология оценки и анализа срока окупаемости инвестиций (University of Texas at Austin (США)), оптимизирована система показателей анализа инвестиционной деятельности (Краковский экономический университет (Польша)); анализ инвестиционной деятельности адаптирован к международным стандартам (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации), сформирована система показателей оценки эффективности при проведении анализа инвестиционной деятельности предприятий (Московский

⁴¹ <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>; <https://home.kpmg/xx>, <https://www.nitrkl.ac.in>; <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>; <https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; www.unn.ru; <https://www.fa.ru>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

государственный университет имени М.В.Ломоносова).

В настоящее время в мировом масштабе исследования, охватывающие вопросы совершенствования теоретических и методологических основ анализа инвестиционной деятельности, проводятся в следующих приоритетных направлениях: адаптация проведения анализа инвестиционной деятельности к международным стандартам с целью принятия эффективных решений в управлении предприятиями; совершенствование методологии оценки эффективности инвестиционных проектов; совершенствование методологии анализа инвестиционной деятельности и привлекательности предприятий на основе требований международных рейтингов и индексов, оптимизация сроков окупаемости инвестиционных проектов с учетом элементов риска; достижение обеспечения прозрачности инвестиционной деятельности в предприятиях.

Уровень изученности проблемы. Научные исследования по совершенствованию методологии анализа инвестиционной деятельности предприятий проводились рядом зарубежных ученых-экономистов. К их числу можно отнести таких ученых, как И.А.Бланк, М.И.Баканов, М.В.Мельник, А.Д.Шеремет, У.Ф.Шарп, Э.Хелферт, Н.В.Парушина, Г.Д.Александр, Д.В.Бэйли, И.Т.Абдукаримов, В.В.Смагина, Frank J.Fabozzi, Harry M.Markowitz, А.Е.Абрамов и Н.В.Тен⁴². Хотя ими были исследованы современные принципы управления инвестиционных процессов на предприятиях и их специфические особенности, но не были достаточно изучены аналитические заключения по методологическим основам управления.

